

Biznes-Эксперт

№ 2, 2018

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

МОЛИЯ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

ИЛМИЙ АМАЛИЁТ

УШБУ СОН МАВЗУСИ:

Ўзбекистонда кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорликни
давлат томонидан қўллаб-
қувватлашнинг устувор
йўналишлари



ТЕМА НОМЕРА:

Механизм регулирования
машиностроительного
комплекса на основе
логистического подхода
91

ПРИВАТИЗАЦИЯ

12

Ўзбекистонда
ялпи ички маҳсулотнинг барқарор
ўсишини таъминлаш омиллари

62

Уй ҳўжаликларини
ривожлантиришнинг назарий
асослари

ФИНАНСЫ

Становление и развитие
экономики Республики Узбекистан

Развитие инновационных процессов
в агропромышленном производстве
республики в условиях
модернизации национальной
экономики

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

82

85

НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей
аттестационной комиссии при
Кабинете Министров Республики Узбекистан
№201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал
«Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных
изданий Высшей аттестационной комиссии для
докторских диссертаций.

Мундарижа

Стратегия

Эркин НИГМАНОВ. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари 3

Кун мавзуси

Раҳима БОТИРОВА, Камолиддин СИРОЖИДДИНОВ. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш 8

Жараён

Қаҳрамон МАМБЕТЖАНОВ. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсишини таъминлаш омиллари 12

Инновация

Зокир СОДИҚОВ, Наврўзбек АБДУЛЛАЖОНОВ. Миллий иқтисодий ривожланишда инновациянинг аҳамияти 17

Модернизация

Саидубайдуллахон САИДУМАРАЛИХОНОВ. Саноат тармоқларини модернизация ва диверсификациялашда таркибий ўсиш 21

Солиқ тизими

Одил ЮСУПОВ, Шахзод ШАЙМАРДАНОВ, Баходир ЗАКИРОВ. Давлат солиқ тизмати органлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни ривожлантириш истиқболлари 26

Маркетинг

Асомиддин ЮСУПОВ. Рақобатбардошликни таъминлашнинг микроиқтисодий омиллари: назария, концепция ва илмий асослар 31

Аграр соҳа

Отабек БАФОВЕВ, Шукурлло МАМАДЖОНОВ. Агросаноат мажмуаларида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари даражасини ошириш ҳамда давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш масалалари 35

Таҳлил

Манзура АБДУРАҲМОНОВА. Тутчилик юз минглаб иш ўринлари барпо этиш гарови 39

Тадқиқот

Шухрат МУХИТДИНОВ. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг ривожланиши ва унга кўп тармоқли фермер хўжаликларининг таъсири 42

Назария ва амалиёт

Нуриддин ҚОРАБОВЕВ. Ўзбекистон миллий иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ўрни ва меҳнат ресурсларининг ҳолати таҳлили 45

Хусусий капитал

Қаҳрамон ЎРИШЕВ. Озиқ-овқат саноати корхоналари: хусусий капитални гуруҳлаш ва ҳисобини ташкил қилиш 50

Молия

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА, Махбуба МЎМИНОВА, Назира РЎЗМЕТОВА, Саодат САЙДУЛЛАЕВА. Корхоналар молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш услуби 54

Бандлик

Дилшод БАБАЕВ, Шухрат АБДУАҲАДОВ. Аҳолини иш билан таъминлаш: истиқболли йўналишлар 58

Иқтисодиёт

Гайрат БЕРДИЕВ. Ўй хўжаликлари ривожлантиришнинг назарий асослари 62

Соҳа тараққиёти

Салима ЖАШИМОВА, Дильдар ЯКУБОВА. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида республика қора металлургия тармоғида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш йўллари 67

Банк иши

Нурзод БОБОТАЕВ. Банклар томонидан валюта рискларини баҳолаш ва бошқариш амалиёти 72

Тадбиркорлик

Шохиста АХУНОВА. Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденциялари 78

Содержание

Экономика

Мунира ИСОХУЖАЕВА. Становление и развитие экономики Республики Узбекистан 82

Тема дня

Бегмухаммад ДУСМАТОВ. Развитие инновационных процессов в агропромышленном производстве республики в условиях модернизации национальной экономики 85

Анализ

Д. УМАРОВА, Г. ТАРАХТИЕВА. Механизм регулирования машиностроительного комплекса на основе логистического подхода 91

Миллий иқтисодий ривожланишда инновациянинг аҳамияти

Зокир СОДИҚОВ,
Тошкент ИУ халқаро иқтисодий
муносабатлар кафедраси доценти,
иқтисодиёт фанлари номзоди.
Наврўзбек АБДУЛЛАЖОНОВ,
ТИУ ташқи иқтисодий фаолият
мутахассислиги магистранти.

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар улкан аҳамиятга эга бўлиб, бу борада Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида "Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда" эканлиги белгиланган.

Ҳозирги глобаллашув жараёнининг шиддат билан чуқурлашида жаҳон амалиётида халқаро технология трансферти – илмий-техникавий ютуқларнинг молиявий ва номолиявий (бепул фойдаланиш) кўринишда давлатлараро оқиб ўтиши сифатида талқин қилинади. Жаҳон иқтисодиётида технология эгалари маҳсулотлар ва саноатнинг бошқа омиллари алоҳида эътибор қаратишлари талаб этилади. Хусусан, юқори техноло-

Аннотация

Мақолада иқтисодий ривожланиш ва ундан келиб чиқадиган муаммолар ҳамда уларни бартараф қилишда инновацион тараққиётнинг аҳамияти, шунингдек, жаҳонда технологияларнинг ривожланиш хусусиятлари ва унинг омиллари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган.

В статье представлен обзор экономического развития и его проблем, а также важность инновационного развития в их решении, особенности развития технологий в мире и его факторы.

The article contains following thoughts and discussions: Economic development, complications that arise with it and the importance of innovative progress towards solving these issues, as well as the habitude of the expansion of technologies and its reasons

гия асосидаги ва сармоя сиғимли маҳсулотларнинг халқаро савдоси, шунингдек, юқори малакали илмий-техник кадрларнинг халқаро миграцияси ва янги илмий-техникавий ютуқларнинг ишланмалари учун табиий ресурслар савдоси шароитида масаланинг аҳамияти янада ортади. Саноатнинг бошқа омиллари сингари технологияларнинг халқаро ҳаракати асосида унинг халқаро тақсимооти – тарихан мавжуд ёки унинг

Калит сўзлар: иқтисодий ривожланиш, инновация, инновация технологиялари, иқтисодий ислохотлар, инновацион жараён.

алоҳида шакллариининг турли давлатларда концентрацияси натижасида у мамлакатларда бошқа давлатларга нисбатан иқтисодий самарали маҳсулотларни ишлаб чиқаришга туртки бўладиган бирламчи шарт-шароитларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Бу халқаро миқёсда илғор технологияларнинг тақсимланиши, давлатларнинг илмий-техникавий тараққиётда ҳамда меҳнат ва сармоя сингари ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланишидаги тафовутларнинг натижасидир.

Бундан ташқари, давлатларнинг илмий манбалари ва уларнинг илмий муассасаларида жамланган илмий-техникавий салоҳияти билан ҳам фарқланиши мумкин. Зеро, халқаро савдо алоқалари мавжуд бўлмаган шароитда ҳар қандай технологик юксалиш аҳоли жон бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажмини оширганда миллий фаровонликнинг ўсишига замин яратади. Шу боис технологик юксалишнинг халқаро савдога таъсири, технология тараққиётининг миллий бозорлардаги талаб ва таклифга қандай таъсир кўрсатишига боғлиқ. Назарий маънода технологик тараққиёт натижасида ишлаб чиқариш ҳажмида содир бўладиган ўсиш ташқи савдо жараёнларига миллий хўжаликларнинг ривожланганлик вазиятига биноан уч хил кўринишда ўз таъсирини намоён қилади. Жумладан, иқтисодий ўсишга нисбатан ташқи савдодаги ўсишнинг мутаносиб бўлиши нейтрал, юқори суръатга эга бўлиши ижобий ва ниҳоят паст суръатга ёки чекланувчи тенденцияга эга бўлиши ҳисобланади.

Демак, технологик тараққиётнинг ташқи савдога нейтрал таъсири келиб чиқиши учун ишлаб чиқариш суръатидаги ўсишга ташқи савдодаги ўсиш суръати мос келиши талаб этилади. Айни пайтда ташқи савдодаги ўсиш суръати ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатидан илғор бўлиши технологик тараққиётнинг ташқи савдога таъсирининг фаол эканлигидан далолатдир. Бундан экспорт маҳсулотлари нисбий баҳолари таъсирида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш нисбатан тез суръатларда ўсаётганлиги маълум бўлади. Давлатлардаги технологик тараққиёт натижасида ташқи савдо ҳажмидаги ўсиш суръати иқтисодий ўсиш суръатидан паст бўлиши ҳолати ҳам кузатилиши мумкин. Мазкур вазият ташқи савдони чекловчи технологик тараққиёт сифатида талқин қилинади. Бунда асосан импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни тайёрлаш экспортга ихтисослашган тармоқларга нисбатан юқори суръатларда ошиб боради ва ҳатто иккинчи йўналишда фаолият олиб бораётган соҳалар қисқариши ҳам мумкин. Бунга импорт ўрнини босувчи тармоқларда тайёрланадиган маҳсулотлар нисбий баҳосининг экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган тармоқлардаги маҳсулотларнинг нисбий баҳосидан юқорилиги ва тез суръатларда ўсиши туртки бўлмоқда.

Айни пайтда технологик тараққиёт натижасида миллий талабдаги ўсиш ҳам халқаро савдо жараёнига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Маълумки, фан-техника тараққиёти ва технология янгиликлари ҳар доим ҳам амалиётга жорий этилмаслиги ва фақат муайян даврлардагина ундан фойдаланиш мумкин. Шу боис ижтимоий-иқтисодий тизим инновацияни ўзлаштириш имкониятига эга бўлган даврлар иқтисодий ривожланиш конъюнктураларининг узун цикллари бўйича белгиланади. Мазкур йўналишда таниқли рус иқтисодчи олими Николай Кондратев ўтган асрнинг 1920-йилларида тадқиқот олиб борган ва унинг моҳиятини исботлаб берган. Зеро, Н.Кондратев техникавий ихтиролар ва уларнинг амалиётга жорий этилишини акс эттирувчи технологик инновациялар жараёнларининг “кўтарилиш” ва “пасайиш” тўлқинларининг ўзаро алоқадорлик қонуниятини ҳар томонлама очиқ берган. Хусусан, олимнинг илмий тадқиқотлари Европада кенг эътироф этилиб, асосан 1929-1933 йилларда кузатиладиган Жаҳондаги Буюк депрессиядан кейин унинг ишлари кенг омалашган ҳамда амалиётга татбиқ этилган.

Жумладан, иқтисодиётдаги конъюнктураларнинг узун цикллари эса “узун Кондратев тўлқинлари” ёки “Кондратевнинг улкан цикллари” деб талқин этилган. Бундан ташқари, XX асрнинг яна бир машҳур иқтисодчи олими Ёзеф Шумпетер (АҚШ) Кондратевнинг улкан цикллари ҳақидаги тадқиқотларидан илҳомланиб, уларни замонавий иқтисодий тараққиётнинг асоси бўлиши умумий инновацион таъминот билан бирлаштириб қайта ишлаган. Шунинг учун Й.Шумпетер айнан инновацияларгина конъюнктуранинг узун цикллари ҳаётига жадал фаоллик таъминлаб беришини маълум қилади. Инновация иқтисодиётга жорий этилиши билан ижтимоий-иқтисодий тизим мувозанати ва тараққиётга путур етказувчи, эскирган технологиялар бозорлари ва собиқ ташкилий тузилмалардан воз кечилишини тақозо қилувчи, янги илғор, узоқ яшовчи ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкил этишга ундовчи, унинг натижасида иқтисодиётда мисасиз ўсишга ва аҳоли фаровонлигини мустаҳкамлашга асос бўладиган бунёдкор тўлқин бўлиши уқтирилади. Шунда инновация ўзининг иқтисодий самарасини таъминлаб, иқтисодий тараққиётнинг замонавий локомотивига айланади.

Жаҳон хўжалигидаги замонавий технология трансферти қилиш динамикасининг аҳамияти ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда ривожланиши натижасида мунтазам равишда юксалиб бормоқда. Хусусан, Кондратевнинг улкан цикллариининг кўтарилиш ва пасайиш босқичлари тўртта фазага бўлиб тадқиқ қилинади. Бу фазалар жонланиш, кўтарилиш, пасайиш (рецессия) ва инқироз сифатида алоҳида таснифланади. Демак, айтиш мумкинки, Кондратев

циклларининг тузилиши оддий ва содда характерга эга. Шунингдек, кўтарилиш босқичи халқаро иқтисодий алоқалар жараёнидаги илғор ҳўжалик конъюнктурасининг ўзига хос жиҳатлари ва устунликлари ни акс эттиради. Мазкур жараённинг давомийлиги ўртача 20-30 йилни ташкил этиб, у динамик тарзда ривожланаётган вақтда кутилмаганда қисқа муддатли ўта чуқур бўлмаган пасайишларга бемалол ва осонлик билан бардош бериш қобилиятига эга бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг конъюнктуравий пасайиш босқичи – бу қисқа муддатда ишлаб чиқариш ҳажмининг хусусиятини акс эттиради. Мазкур жараённинг изчиллиги тахминан ўртача 20 йилни ташкил этади. Шу боис иқтисодиётдаги вақтинчалик юксалишларга қарамадан, меҳнат унумдорлигидаги пасайиш ва жаҳон иқтисодиётидаги беқарор тебраниш ҳамда вақти-вақти билан жиддий таназзулларнинг содир бўлиши оқибатида инқирознинг келиб чиқиши кузатилади. Демак, шундай вазиятда, кўтарилиш босқичига эришган миллий ҳўжаликларда инқироз юз бериши ҳам мумкин. Айнан миллий иқтисодиёт ривожланиш циклининг ушбу инқироз даврида иқтисодиёт инновация ва инновацион ривожланишга эҳтиёж сезади.

Қолаверса, иқтисодиётдаги инқироз яшаб қолиши учун имкон излашга мажбур қилади ва бу имкониятни инновацион жараён тақдим қилиши мумкин. Иқтисодиётдаги инновация омилини дастлаб немис олими Герхард Менш тадқиқ қилган ва инқироз инновацион жараёни келтириб чиқариши, фаоллаштирилиши очиб берган. Бундан ташқари, Г.Менш томонидан инновацион жараёнинг нотекислиги ва босқичма-босқич амалга ошиши ҳамда мазкур жараённинг ўзлаштирилиши инновацион таълим билан ниҳоясига етиши асослаб берилган. Миллий иқтисодиётда инновация ҳодисаси америкалик тадқиқотчи К.Фридменнинг фикрига кўра, жараён иқтисодиётда жонланиш вақтида рўй беради. Унинг ҳулосасига кўра, иқтисодиётда инновацион жараёни жорий этиш иқтисодий конъюнктуранинг инқироз фазаси билан қисман жонланиш фазасининг бошланишини акс эттирувчи муҳим даврни қамраб олади.

Бироқ мутахассис М.Хироока чуқур ва кенг қўлам-ли эмпирик маълумотларни таҳлил қилиши натижасида инновация диффузияси ва Кондратевнинг улкан цикллари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини исботлаб берган. У янгиларнинг тарқалиши ўз-ўзини бошқариш механизми орқали қатор инновацияларнинг Кондратевнинг улкан цикллари бўйлаб жойлашувини намоён этишини таъкидлаган. Бундай шароитда янгиларнинг оммавийлашуви Кондратев циклининг кўтарилиш босқичи билан изоҳланади ва мазкур циклининг энг юқори босқичида ўзининг тўйиниш нуқтасига

эришади. Мазкур вазиятда давлат инновацион сиёсатининг муваффақияти бизнес имкониятларига боғлиқ бўлиб, унда мамлакатлар бизнеснинг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатувчи босқичлар ҳисобланган тузилиш ва жонланиш давларида инновацион жараёни режалаштириб, қўллаб-қувватлайди.

Демак, давлат тадбиркорликни қўллаб-қувватламаса, инновациянинг самараси сезиларли даражада пасайиб кетиши мумкин. Кондратев тўртинчи даврининг базис инновацияси сифатида XX аср илмий-техника инқилобининг муҳим ютуқлари кузатилди. Жумладан, атом энергетикаси, квант электроникаси ва лазер технологиялари, электрон ҳисоблаш машиналари ҳамда саноатни автоматлаштириш, сунъий йўлдош орқали алоқа ва телевидение кабиларни келтириш мумкин. Айни пайтда автомобиль ва авиасозлик саноатида мислсиз юксалиш содир бўлиб, миллий ишлаб чиқаришнинг кескин ривожланишига туртки бўлмоқда. Хусусан, тўртинчи технологик давр (1950-1973 йиллар)да жаҳон иқтисодиётида юксалишнинг кузатилмаган даражаси қайд этилиб, 4,9 фоизлик ўсишга эришилди. Жаҳон бозори конъюнктурасидаги пасайиш фазасининг тўртинчи даври 1973-1982 йилларни қамраб олади. Кейин жонланиш бўлиб, Кондратев бешинчи циклининг энг қуйи нуқтаси бошланган. Конъюнктуравий вазият бўйича тўртинчи циклдан бешинчи циклга ўтиш даврида жаҳон саноати қарийб 11 фоизга пасайганлиги тахмин қилинади.

Маълумки, бешинчи технологик даврнинг марказида микроэлектроника, персонал компютерлар, информатика ва биотехнология етакчилиқ қилган. Олдинги цикл муҳим инновацияларга таққослаганда, бешинчи босқичнинг самарасида нисбатан паст кўрсаткичлар кузатилган. Хусусан, жаҳон миқёсида олиб қараганда, ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 1980-2000 йилларда нисбатан пасайиб, 3,1 фоизни ташкил этган. Дунёга машҳур олим Н.Кондратевнинг илмий ютуқлари борасида тадқиқотчи Ю.Яковец шундай мулоҳазаларни ўртага ташлайди. Жаҳондаги айрим мамлакатларда 2001-2002 йилларда содир бўлган иқтисодий таназзул янги инқироз ва депрессияларга сабаб бўлиб, Кондратев циклининг бешинчи босқичи кўтарилишидан пасайиш босқичига ўтишини ифодалаган. Айнан ЯИМнинг ривожланган давлатларда 2001-2005 йиллардаги ўсиш суръатлари 1991-2000 йиллар билан таққослаганда 2,5 – 2 фоизгача пасайганини кўриш мумкин. Зеро, 2007 йилда бошланиб, тижорат банклари тизимидаги муаммоларни келтириб чиқарган жаҳон молиявий инқирози молиявий сектор билан бир қаторда иқтисодиётнинг реал секторига қисқа муддатда сингиб, жаҳондаги кўплаб тараққий этган ва ривожла-

наётган давлатларни ўз домига тортиб, иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайишига замин яратди.

Бундай аҳволда жаҳон иқтисодиёти яқин келажакда депрессияга дуч келиши мумкинлигини тахмин қилиш эҳтимоли мавжуд. Мазкур давр базавий технологик инновацияларнинг янги турларини ўзлаштириш ва амалиётга кенг жорий этиш учун жуда мақбул ҳолат ҳисобланади. Бундай пайт замонавий бизнесда интеллектуал мулк ишланмаларининг халқаро алмашинув динамикаси фаоллашувини исботлайди. Шунинг учун алоҳида давлатлар ва ҳатто бутун жаҳонда технологик қолоқликни бартараф этиш учун бу омилдан самарали фойдаланиш иқтисодий стратегиянинг муҳим йўналишларидан биридир. Натижада технология трансферти соҳасига илм-фан, техника, ишлаб чиқариш, бошқарув сингари инсон ақлий фаолиятининг барча муҳим кўринишлари кириб боради. Бунда табиатни ўрганишнинг объектив назарий қонуниятлари, уни ўзгартириш маҳорати техникадан бошлаб, то ишлаб чиқариш ва бошқа масалаларни ҳал қилиш орқали рационал фаолиятлар йўналишларини такомиллаштириш билан биргаликда моддий имкониятларда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун трансферт жараёни таркибига бир вақтнинг ўзида инсон ақлий фаолиятининг барча кўриниши ва уларнинг ҳар қандай бирликлари киради. Агар кенг истеъмолдаги маҳсулотларни ҳисобга олмаганда, халқаро иқтисодий трансфертларнинг қолган таркибий қисмлари билим, маҳорат ва илмий-техникавий маълумотлар каби “соф кўринишда”

ёки материаллар, машиналар ва асбоб-ускуналар каби “моддий кўринишларда” ўз ифодасини топади.

Миллий ташқи иқтисодий алоқаларнинг мазкур қисми ўзида пировард мақсаднинг бир томондан ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик даражасини ошириш, иккинчи томондан эса фойда олиш бўлган кенг кўламдаги алмашинувни мужассамлаштиради. Айнан технология трансферти воситасида муайян тармоқ ёки халқ хўжалигининг технологик даражасини ошириш соҳасида мавжуд муаммоларни изчил бартараф этиш, миллий ишлаб чиқариш тизимининг илғор технологиялар билан қуролланишини жадаллаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш, импортни қисқартириш ва миллий бозор учун маҳсулотларнинг қатор турларини тайёрлаш мақсадида ихтисослаштириш орқали давлатлар ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш билан боғлиқ масалаларни бартараф қилиш айни муддао бўлади. Шу боис юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни Президент Ш.Мирзиёев “Айнан ана шу энг муҳим вазифалар иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларига жиддий ўзгартиришлар киритиш учун пойдевор бўлиши керак” деб таъкидлаган. Демак, мамлакатимизда ислохотларни чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни юксалтириш мақсадида инновацион ривожланишни янада кучайтириш ҳамда бу жараёни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш замонавий тараққиётнинг тақозоси ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон) Фармони.
2. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон, Т.: 2017.
3. Кондратьев Н.Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения. – М.: “Экономика”, 2002. – С. 767.
4. Mensch G. Stalemate in Technology- Innovations Overcame the Depression – New York: Ballinger Publishing Company, 1979.
5. Freeman C. Technical Innovation Diffusion and Long Cycles of Economics Development// The Long-Wave Debate. – Berlin, 1987.
6. Hiroka M. Innovation Dynamism and Economic Growth. A Nonlinear Perspective.–Cheltenham, UK–Northampton, MA, USA Edward Elgar, 2006. P-426.
7. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: “Прогресс”, 1982. С. 455.